

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА

**КОГНИТИВ КОНСТРУКТИВИЗМ ТАФАККУР ТАРЗИ
КРЕАТИВЛИГИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АСОСИ СИФАТИДА**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of the doctoral (DSc) dissertation Abstract

Султанова Гулноза Сабировна

Когнитив конструктивизм тафаккур тарзи креативлигининг

интеллектуал асоси сифатида 3

Султанова Гулноза Сабировна

Когнитивный конструктивизм как интеллектуальная основа

креативности стиля мышления 35

Sultanova Gulnoza Sabirovna

Cognitive constructivism as an intellectual basis of creativity of thinking style.... 66

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 71

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВНА

**КОГНИТИВ КОНСТРУКТИВИЗМ ТАФАККУР ТАРЗИ
КРЕАТИВЛИГИНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АСОСИ СИФАТИДА**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.DSc/Fal72 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Кушаков Шухрат Салиевич фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ғаффарова Гулчехра Ғуламжановна фалсафа фанлари доктори, доцент Шермухамедова Нигинахон Арслоновна фалсафа фанлари доктори, профессор Каримов Бахтиёр Раҳманович фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат транспорт университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019 F.02.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» соат ____ даги ____ мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40 e-mail:rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Тарих факультети, 1 қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (0366) 239-13-87; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунида тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги __ рақамли баённомаси).

Ш.Ш.Негматова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа ф.б фалсафа доктори (PhD), доцент

А.Р.Самадов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда содир бўлаётган глобаллашув жараёнлари жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, инсоният тафаккур тарзига ҳам конструктив, ҳам салбий таъсир кўрсатиб, эпистемологик муаммоларни когнитив, креатив, интеллектуал динамикасининг ўзгаришига олиб келмоқда. Моҳиятан инқилобий бўлган конструктив характердаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ўзгаришлар ўз навбатида, инсон капиталининг креатив хислатларини кучайтирмоқда. Бу жараённинг муҳим когнитив оқибати шундан иборатки, ҳозирги замон постноклассик фан ва технология даражасига мос келадиган креатив тафаккур тарзи шаклланимоқда. Креативлик ва инновация иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш, ҳамда фалсафа, фан ва замонавий технологияларнинг асосий ҳаракатлантирувчи конструктив кучига айланмоқда. Когнитивликнинг ўзгариши тафаккур тарзининг трансформациясига олиб келмоқда. Шу сабабли ҳозирги замон конструктивистик тафаккур тарзи илм-фан тараққиёти туфайли глобал мавқега кўтарилмоқда.

Жаҳонда XX асрнинг охириги чорагида бошланган умумжаҳон глобализация феномени когнитивлик муаммосини, илмий тафаккур тарзининг креатив ва конструктив имкониятларини, дунё илм-фани, IT соҳаларида вужудга келадиган илмий-концептуал трансформацияларни ўрганиш, улардаги парадигмал ва эпистемологик янгиланишларни тадқиқ этиш каби масалаларни кун тартибига қўяётганлиги билан жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Бунда илмий тафаккур когнитив генезиси ва ривожланишининг конструктив жиҳатларини пролиферацион, герменевтик ва интерпретацион ўрганиш ушбу тадқиқот ишида асосий методологик вазифани ташкил этмоқда. Тафаккур тарзининг креативлигининг интеллектуал фаолият сифатида намоён бўлиши ҳамда конструктивизм, когнитивликнинг ижтимоий-маданий ва фалсафий-методологик муаммоларининг танқидий-рефлексия, герменевтик жиҳатдан тадқиқ этиш дунё илм-фанарида янги ёндашувларни вужудга келтирмоқда.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида илғор рақамли иқтисодиёт механизми, ижтимоий ва масофавий электрон муассасалар ва қурилмалар бунёдкорлиги, замонавий илмий йўналишлар ва технологияларни яратувчи ёш креатив (ижодий) фикрловчи мутахассис олимларни тарбиялаш, уларни замон талабига жавоб берадиган илмий ва услубий ғоялар, лойиҳалар ва тавсиялар билан қуроллантириш муҳим давлат даражасига молик аҳамият касб этмоқда, чунки “...мамлакатимизни инновацион ривожлантириш стратегияси ва механизмлари, энг аввало, шу давлатда яратилган интеллектуал ва илмий-техникавий салоҳиятдан қанчалик самарали фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ”¹ дир. Бу ўз навбатида кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда ноанъанавий ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 237.

конструктив тафаккур тарзини шакллантириш ва юксалтиришни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-3113-сон ” Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони, 2018 йил 12 майдаги ПҚ-3721-сон “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи²: Когнитивлик, конструктивизм, тафаккур тарзидаги креативлик масалаларининг фалсафий, эпистемологик ва эвристик жиҳатдан тадқиқ қилиш XX асрнинг охиридан бошлаб фалсафа ва фан методологияси муаммолари доирасига кириб келган бўлса-да, бу муаммоларнинг айрим жиҳатлари дастлаб қадимги дунё фалсафасидан янги замон фалсафасигача бўлган даврда тадқиқ этиш қадимги юнон файласуфлари Сократ, Платон ва Аристотель қарашларида мавжуд бўлган. Ўрта асрларда ижодиёт ва креативлик масалалари Августин, Аквинат, Росцелин, Оккам асарларида диний дунёқараш ва схоластик фалсафа талқинида берилган. Тафаккурнинг конструктив жиҳатларини методологик ўрганиш И.Кантга³ тегишлидир. Гегель мутлақ ғоя ҳақидаги диалектик қарашларида креатив тафаккур масаласига эътибор қаратган⁴. Ушбу мавзуга оид тадқиқотлар бўйича дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан Harvard University, Communication Between Humans & Interactive Media (CHIME) Lab at Stanford University, Sam Houston State University (АҚШ), Oxford University's Institute for the Future of the Mind, (Буюк Британия), Фалсафа институти РАН, Москва Методологик тўғараги (ММК) (Россия), шунингдек, Ўзбекистон миллий университети, “Ижтимоий фикр”

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи; <https://www.simplypsychology.org>, <https://mediax.stanford.edu/>, <https://www.harvard.edu/>, <https://sc.edu/>, <https://www.shsu.edu/>, <https://ion.ranepa.ru/>, <https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/futuremind/>, <https://www.fondgp.ru/mmk/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган

³ Кант И. Критика способности суждения. М.: Исследования 1994. –С. 365.

⁴ Гегель Г. В. Ф. Система наук. СПб.: Наука, 2015. - С. 443.

жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон) олимлари томонидан тафаккурнинг когнитив конструктивлиги методологик ва умумназарий жиҳатдан ўрганиш бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Замонавий жаҳон фалсафаси манбаларида когнитив конструктивизм тафаккур тарзи креативлигининг интеллектуал асоси эканлиги борасидаги амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: бугунги кунда файласуфларнинг катта қисми когнитология, унинг асослари бўйича жуда зарур конструктив лойиҳаларда фаол қатнашиб иррационал фалсафанинг муҳим вазифалари сифатида психология ва когнитологиянинг асосларини тушуниш ҳамда баҳолашдан иборат эканлиги асосланган (Oxford University Press); когнитив ривожланишнинг бир неча кўринишлари: радикал конструктивизм, когнитив конструктивизм, ижтимоий-маданий назария ва танқидий назариялар ўртасидаги алоқадорликлар, зиддиятлар муҳокама қилинган (University of South Carolina - Columbia); ижтимоий-маданий ва интеллектуал фаолиятнинг кенг доирасини таҳлил қилиш орқали ўзига хос тизимли фикрлаш ёндашуви ишлаб чиқилган (философско - методологическая и интеллектуально-практическая школа Г.П.Щедровицкого (ММК)); фаннинг сўнгги ютуқлари ва жамият тараққиётини фалсафий тушунишга конструктивизмнинг, айниқса конструктив реализмнинг таъсири аниқланган (Московский педагогический государственный университет).

Кўплаб илмий марказларда креатив тафаккурнинг когнитив, конструктив ва эвристик хусусиятлари, унинг ижодий имкониятларини таҳлил қилиш, илмий анъаналар билан боғлиқ масалаларнинг фалсафий жиҳатлари, шу жумладан қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: ривожланишнинг самарали усуллари сифатида ижодкорликнинг асосини ташкил этувчи креатив фикрлашни, когнитив соҳада ижодкорликни (креатив тасаввур, танқидий фикрлаш ва бошқалар) ривожлантириш мақсадида турли услубий ёндашувлар ва махсус техникаларни ишлаб чиқишни рағбатлантириш; инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш орқали кўйилган вазифалар бажарилиши самарадорлигини ошириш; тадқиқотнинг асосий мақсади замонавий илмий тафаккур тарзида когнитив конструктивизмнинг асосий хусусиятларини аниқлашдир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Когнитивлик, мураккаб ўз-ўзини ташкил қилувчи ментал тизим бўлиб, ўз таркибига тафаккур тарзи, билиш жараёни, конструктивлик, креативлик, лойиҳалаштириш каби эпистемологик тушунчаларни бирлаштиради. Демак, тафаккур тарзининг шаклланиши ҳам конструктив когнитив жараёндир. Тафаккур форматининг когнитив бирлигини фикр ташкил этади⁵. Ҳар қандай янги ва инновацион

⁵ Кушаков Ш.С. Опыт применения идеи форматов мышления к исследованию античной философии // Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. Самарқанд, 2021. - С.21.

фикр ва ғоя конструктив характерга эга бўлиб, янги тафаккур тарзининг шаклланишига олиб келади. Шу боис, тафаккур тарзи, билиш жараёни, конструктивлик, креативлик тушунчаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳозирги кунда ушбу масалаларга оид назарий муаммоларнинг айрим жиҳатлари кўплаб мутахассис, соҳа олимлари томонидан тадқиқ этилган, XX асрнинг 60 йилларида когнитология фалсафий-психологик йўналиш сифатида ривожлана бошланди. Жумладан, тафаккур генезиси ва ривожланишининг когнитологик жиҳатлари билан У.Найссер, Р.Шеппард, Ж.Пиаже каби тадқиқотчилар шуғулланганлар. Конструктивизм бўйича фалсафий, психологик, социологик тадқиқотларни Ф.Варела, Р.Ватславик, И.Глазерфельд, Ж.Келли, У.Матурана Т.Лукман, З.Шмидт, А.Шюц, Г.Рот, Г.Ром, Н.В.Данилян ва бошқалар олиб борганлар⁶. Ижодий қобилият (креативлик)ни интеллектга боғлаб ўрганишни - Ж.Гилфорд, К.Тейлор, Г.Грубер изланишларида кўришимиз мумкин.

Хорижда, айниқса, ақшлик олимлар У.Жемс, Ж.Дьюи, П.У.Брижменлар креатив тафаккур муаммоли вазиятларни ечишнинг конструктив-эвристик усули деб тушунганлар. Креативликни ихтирочилик, инновацион тафаккур сифатида А.Бергсон⁷, Ж.Дьюи, А.Маршалл, Э.Мунье, Ж.Нэсбитт, П.Эбурден, Г.Эмерсон ва бошқаларнинг ишларида талқин қилинган. Тажриба ва креативликнинг узвий алоқадорлиги ҳақидаги тасаввурлар - Э.Гуссерль, А.Пуанкаре, А.Уайтхед, Н.Гартман ва бошқа файласуфларнинг ишларида ифодаланган.

Креативлик феноменини ўрганишда хорижий классик ишлар мавжуд. Бу феномен Д.Гилфорд, Р.Стернберг, Е.Торренс, А.В.Брушлинский, И.А.Васильев, М.А.Холодна каби психологлар ижодида изланиш предмети бўлган.

МДҲ олимлари томонидан когнитив креативлик фаол интеллект маҳсули ҳақидаги ғоялар Я.А.Пономарёв, Е.М.Березина, В.И.Кабрин, Д.А.Карнаухов, Я.Б.Частоколенколар тадқиқотларида ишлаб чиқилган. Рус олимларидан В.Ф.Петренко, С.А.Лебедев, И.Т.Касавин конструктивизм атамасининг фалсафий жиҳатлари ва эпистемологик мазмунини очиб берганлар. Р.Г.Болбаков когнитивлик фан ва таълимдаги таҳлили борасида илмий изланиш олиб борган⁸. Л.В.Максимов эса когнитивизмни гуманитар-фалсафий фанларда парагдигма жиҳатидан олиб қараганлар. Креатив тафаккурнинг когнитив хусусиятларини таҳлил қилиш М.С.Бернштейн, Э.Боно, И.Н.Семенов, Н.С.Лейтес, Ч.Д.Чистякова, В.Штерн, А.Шумилинларнинг⁹ асарларда ўз ифодасини топган.

Мамлакатимиз олимлари томонидан конструктивизм, когнитивлик, креативликнинг ижтимоий-маданий ва фалсафий-методологик

⁶ Муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

⁷ Бергсон А. Избранное: Сознание и жизнь. М.: РОССПЭН, 2010. – С. 399.

⁸ Болбаков Р.Г. Анализ когнитивности в науке и образовании//Перспективы науки и образования. 2014. № 04. (10) – С. 15-17.

⁹ Шумилин А.Т. Проблема теории творчества. М., 1999. – С. 144.

муаммоларини ўрганши О.Ф.Файзуллаев, Ж.Т.Туленов, М.Н.Абдуллаева, Б.Р.Каримов, Н.Шермухаммедова, Ш.С.Қушаков, А.А.Азизқулов, Г.Ғ.Ғаффарова¹⁰, Э.М.Иззетова, М.Қ.Ниязимбетов, Г.О.Жалалова, Е.В.Ли ва бошқаларнинг илмий тадқиқот ишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ¹¹.

Мустақиллик йилларида фалсафамизда жиддий парадигмал ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда креативлик, когнитология ва конструктивизм назарий методологиясига қизиқиш кучайди. Бу эса ўз навбатида креатив тафаккур тарзига когнитив конструктивизм муаммолари доирасида эътиборни қаратишга олиб келади.

Когнитологик изланишлар доирасида шаклланаётган креативлик концепцияси фанлараро тадқиқот объекти бўлиб психология, фалсафа, иқтисодиёт, генетика, компьютер технологияси, нейрофизиология, эвристика каби илмий йўналишлар интеграциясини тақозо этади¹². Ушбу тадқиқот ишида эса креатив тафаккур тарзи когнитив конструктивизм нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021-йилларга мўлжалланган ОФ-07-сон “Ҳаракатлар стратегияси контекстида умуминсоний кадриятлар ва жамият барқарорлиги” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги замон фани ва фалсафасида креатив тафаккур тарзининг когнитив конструктивлигини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳозирги замон илмий тафаккур тарзида содир бўлаётган инновациялар, изланувчилар илмий фаолиятининг интеллектуал-когнитив параметрларини конструктив моделлаштириш;

тафаккур тарзининг когнитив конструктивлигини герменевтик талқин қилиш, когнитив конструктивликнинг йўналишларини фалсафий рефлексияни амалга ошириш;

илмий инқилоб ва парадигмал янгиланиш билан илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси ўртасидаги диалектик алоқадорликни, уларда намоён бўладиган ғоявий ворислик механизмини ўрганиш;

буюк алломаларимиз ижодида креатив ва проектив тафаккур тарзининг конструктив жиҳатларини тарихийлик-ворисийлик тамойили асосида кўрсатиш;

¹⁰ Ғаффарова Г.Ғ. Мураккаб тизимларда ахборот генерацияси. Монография. – Тошкент: “Noshir”, 2021. – Б. 225. Конструктивизм парадигмаси: фалсафий таҳлил // Academic reserch in educational sciences, 2021. 2(4), – Б. 64.

¹¹ Кушаков Ш.С. Креативность как характеристика семантической виртуальности // Фалсафа ва фанлар методологияси муаммолари: Республика илмий-назарий семинар материаллар. Т.: “Мумтоз сўз”, 2016. –С.21. Бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

инновацион ва креатив илмий тафаккур тарзларининг назарий-концептуал қиёсий таҳлили, уларнинг концептуал боғлиқлигини кўрсатиш ҳамда экспликациясини амалга ошириш;

проектив тафаккур тарзининг фанлараро метаназарий феномен эканлиги, конструктив ва креатив жиҳатларини аналитик таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида илмий тафаккур тарзида когнитив конструктивлик ва инновацион трансформациялар танланган.

Тадқиқот предмети когнитив конструктивизм, эвристик креативлик, конструктивистик тафаккур тарзи масалаларини эволюцион-диахроник, методологик, эпистемологик ва назарий-концептуал, рефлексив ёндашувлар асосида тадқиқ қилиш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг танқидий-рефлексия, объективлик, анализ ва синтез, аналогия, умумлаштириш, қиёсий таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

изланувчилар илмий-интеллектуал фаолиятида ҳозирги замон инновацион тафаккур тарзи ҳамда когнитив конструктивликни ривожлантиришнинг алгоритмик, системали, мантиқийликка асосланган рационал ва интуитив, иррационал, гипотетик каби нораціонал омиллари аниқланган;

ёшларнинг фаол ижтимоий позициясини белгилашда конструктивликка асосланган инновацион, креатив тафаккур тарзини шакллантиришнинг герменевтик-интерпретацион жиҳатлари ва уларнинг илмий тадқиқот технологияси таърифлаш, талқин қилиш каби экспликацион усулда такомиллаштирилган;

илмий тафаккур тарзининг креативлиги муаммосига феноменологик ва номологик рефлексив ёндашув асосида, унинг ижтимоий амалиётда намоён бўладиган когнитив ҳамда функционал самарадорлиги диалектик-синергетик методологияда фалсафий жиҳатдан исботланган;

креатив фикрловчи ёшларда конструктивистик тафаккур тарзи ҳамда постноклассик илмий тафаккур тарзи трансформациясининг когерентлиги пролиферативлик қонунияти асосида мантиқий аргументланган;

Ўзбекистонда замонавий илмий, технологик ва проектив кадриятларни яратувчи ижодкор олимларни етиштиришга хизмат қиладиган, уларда креатив тафаккур тарзини юксалтиришга қаратилган ўзаро боғланиш, мутаносиблик, башорат қилувчи каби коррелятив-прогностик ва амалий-лойиҳавий, кашфиётчилик, ихтирочилик сингари прагматик-эвристик усуллари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳозирги замон илмий тафаккур тарзидаги инновациялар, изланувчилар илмий фаолиятининг интеллектуал-когнитив параметрлари конструктив моделлаштириш асосида аниқланган;

илмий тафаккур тарзининг когнитив ва креатив моҳияти фалсафий рефлексия ҳамда инновацион ёндашув асосида қиёсий таҳлил усулини қўллаш йўли билан очиб берилган;

илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги диахроник ва синхроник жиҳатлари тадқиқ этилиб тизимли ёндашув асосида ёритилган;

назарий билимлар ва илмий тафаккур тарзининг креатив конструктивлиги, уларнинг когерентлиги эпистемологик жиҳатдан асослаб берилган;

ҳозирги замон тафаккур тарзининг инновацион трансформацияси, унинг техника, фан ва таълимда роли, аҳамияти ҳамда когнитив хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан тафаккур тарзи креативлиги, когнитив конструктивизм ва конструктивистик тафаккур тарзи муаммосини тизимли ўрганишда фойдаланиш имконияти, фалсафий рефлексиядан фойдаланган ҳолда мураккаб конструктив-когнитив тизимни чуқурроқ билиш ва назарий-фундаментал тадқиқотлар ҳамда услубий ёндашувлар воситаларини такомиллаштириш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тафаккур тарзи креативлигига инновацион ёндашув орқали когнитив конструктивизмни ривожлантиришда янги босқични шакллантириш ва тадқиқотчилар ва ишлаб чиқувчилар фаолиятига амалий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи институтларнинг фаол ҳамкорлиги амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва ғоялардан олий ўқув юртлирида фалсафа йўналишининг бакалаврият ва магистратура босқичларида ўтиладиган “Фан фалсафаси ва методологияси”, “Илмий-тадқиқот методологияси”, “Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзи. Синергетика”, “Фан фалсафаси”, “Билиш фалсафаси”, “Когнитив конструктивизм эпистемологияси” курсларидан дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларни, мавзуга оид илмий-оммабоп маърузалар, иллюстратив тақдимотлар тайёрлашда, фалсафий луғатларни ва бошқаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Когнитив конструктивизм ҳамда тафаккур тарзи креативлигини тадқиқ этиш асосида:

изланувчилар илмий-интеллектуал фаолиятида ҳозирги замон инновацион тафаккур тарзи ҳамда когнитив конструктивликни ривожлантиришнинг рационал ва нораціонал омилларига оид илмий янгилик, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий

таклифларидан ОТ-Ф1-95 рақамли “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2021 йил 21 сентябрдаги №04/11-4938-сон маълумотномаси). Натижада грант лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишда ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги назарий-методологик (услубий) аҳамияти, унинг илмий проектив (лойиҳалаштириш ва прогнозлаштиришда) ва амалий (технологик жараёнлардаги) ўрнини белгилашга хизмат қилган;

Янги Ўзбекистон ёшларининг фаол ижтимоий позициясини белгилашда конструктивликка асосланган инновацион, креатив тафаккур тарзини шакллантиришнинг герменевтик-интерпретацион жихатларига оид илмий янгилик ҳамда таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий маркази томонидан нашр этилган “Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий-фалсафий мероси” мавзусидаги энциклопедияни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий марказининг 2021 йил 18 августдаги 02/329-сон маълумотномаси). Натижада илмий-тадқиқот лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва кенг жамоатчиликка буюк аждодларимизнинг маънавий меросига бўлган қизиқишини орттиришга ва уларнинг фалсафий, маънавий-илмий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилган;

илмий тафаккур тарзининг креативлиги муаммосига феноменологик ва номологик рефлексив ёндашув асосида, унинг ижтимоий амалиётда намоён бўладиган когнитив ҳамда функционал самарадорлигига оид илмий янгилик, назарий хулосалари, методологик тавсиялари ҳамда амалий таклифларидан ОТ-Ф1-95 рақамли “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий университетининг 2021 йил 21 сентябрдаги №04/11-4938-сон маълумотномаси). Натижада грант лойиҳасини янада такомиллаштиришга ва фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишда ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги назарий-методологик (услубий) аҳамияти, унинг илмий проектив (лойиҳалаштириш ва прогнозлаштиришда) ва амалий (технологик жараёнлардаги) ўрнини белгилашга хизмат қилган;

креатив фикрловчи ёшларда конструктивистик тафаккур тарзи ҳамда постноклассик илмий тафаккур тарзи трансформациясининг когерентлиги пролиферативлик қонуният асосида мантиқий аргументланганлиги борасидаги таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир кўшимча чора-тадбирлар

дастурининг IV йўналишидаги “Ёш ота-оналар, давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари учун 7 ёшгача бўлган болаларни жисмонан, маънан, интеллектуал ривожланиши учун миллий тарбия руҳида вояга етказишга қаратилган инновацион комплекс дастурни яратиш” номли 33-бандини тайёрлашда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 10 сентябрдаги 02/08-1076 сон маълумотномаси). Натижада, Марказнинг иш фаолиятига доир олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ёшлар интеллектуал-креатив фаоллигини ошириш, фуқароларимизда бунёдкорлик ва яратувчанлик тафаккурини шакллантиришда, уларнинг илмий, маънавий салоҳиятини оширишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилган;

Ўзбекистонда замонавий илмий, технологик ва проектив кадриятларни яратувчи ижодкор олимларни етиштиришга хизмат қиладиган, уларда креатив тафаккур тарзини юксалтиришга қаратилган коррелятив-прогностик ва прагматик-эвристик усулларига оид назарий хулосалари ҳамда амалий таклифларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Самарқанд!” кўрсатувининг 2021-йил 30-август куни соат 07:00 да эфирга узатилган сонининг сценарийсини ҳамда “Таълимдаги ислохотлар” радиоэшиттиришининг 2021-йил 31-август куни соат 15:00 да эфирга узатилган навбатдаги сонининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (ЎзМТРК Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 15 сентябрдаги 01-11/481-сон маълумотномаси). Натижада, эшиттириш ва кўрсатувни сценарийсини мазмунан бойитишга ҳамда ёшларда тафаккур тарзи креативлигини ошириш ва проектив-инновацион фикрлашни шакллантиришда муҳим интеллектуал омил эканлиги кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола (18 та республика ва 5 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 208 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда унинг хорижий илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг

ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти тавсифланган.

Диссертациянинг **“Когнитив конструктивизм интеллектуал фаолиятнинг хусусияти сифатида”** деб аталган биринчи бобида фалсафа тарихида когнитивлик тушунчаси эволюцияси ва фалсафий рефлексия, илмий тафаккур тарзи фаолияти тизимида когнитивлик муаммоси, илмий тафаккур тарзида когнитивлик функционал динамикаси ўрганилади.

Диссертациянинг **“Когнитив фаолият тушунчасининг генезиси ва эволюцияси”** деб аталган биринчи параграфида “когнитивлик”, “интеллект” ва “тафаккур” тушунчаларининг фалсафа, методология, илмий рационаллик каби тушунчалар ўзаро алоқадорлиги билан муҳокама қилинган. Интеллект фалсафанинг гносеологик, эпистемологик тадқиқотлар предмети бўлиб қолмасдан балки антропология, психология, педагогика, кибернетика, информатика, физиология каби фанларнинг ҳам тадқиқот доирасига кириб борди. Интеллект мураккаб рухий жараён бўлиб, ўзида когнитив (билиш, сезиш, англаш) ва конструктив (қуриш, тузиш) жараёнларини мужассамлаштиради.

Интеллектнинг характери сифатида когнитивлик ва эпистемологик конструктивизм ўтган асрнинг иккинчи ярмида психологлар ва файласуфлар томонидан ўрганила бошланди. Бу икки йўналишнинг “учрашуви” фақат бизнинг асримизда содир бўлди. Бироқ, когнитив конструктивизм ва тафаккур тарзи ўртасидаги когерентлик фалсафий рефлексия соҳасида кам ўрганилган соҳа ва муаммо бўлиб турибди. Лекин давр талаби, яъни инновацион когнитивлик ва креатив тафаккур тарзини ёш мутахассис ҳамда изланувчиларда шакллантириш эҳтиёжи танлаган мавзу устида чуқур ва кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

“Когнитивизм” атамаси XX асрда вужудга келиб, нейрофизиология, ахборот назарияси, психология, сунъий интеллект, фан фалсафаси, билиш фалсафаси каби илмий йўналишлар доирасига кириб борди. Когнитивлик кенг маънода тафаккурда намоён бўладиган инсон билиш қобилияти бўлиб, интеллектуал (ақлий) фаолиятнинг жамланмасидир. Бу ҳам конструктив жараён, ҳам тафаккур тарзи креативлигини намоён бўлишидир. Бошқа бир ёндашувга кўра, когнитивизм рационализм ва компьютернинг модели сифатида онгнинг рационалистик талқинини билдиради¹³. Аслида когнитивликда нораціоналлик, интуиция ҳам намоён бўлади.

Ғарб олимларидан У.Мак-Каллох ва В.Питтслар 1948-йилдаёқ тафаккур устида илмий изланиш олиб бориб, тафаккурни когнитив маълумотларни қайта ишловчи жараён, деб тушунганлар¹⁴. Бизнингча, тафаккур когнитив

¹³ Dreyfus, H. The socratic and platonic basis of cognitivism. AI [Artificial Intelligence] & Society, 1988, 2. –P.100.

¹⁴ Эволюция. Мышление. Сознание (когнитивный подход и эпистемология). – М. Канон, 2004. – С. 15.

маълумотларни қайта ишловчи жараён бўлмасдан, балки руҳий, ментал жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Когнитивликнинг энг кенг тарқалган талқини - барча тирик мавжудотларнинг идрок ёрдамида ахборотни қайта ишлаш қобилияти (сезгилар ёрдамида ташқаридан олинган стимуллар бўлиб, олинган тажриба ва субъектив хусусиятлар, бу атроф-муҳитни баҳолаш ва англаш учун барча маълумотларни умумлаштиришга имкон беради. “Когнитивлик” сўзи латинча “cognitio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “билим”, “ўрганиш”, деган маънони билдиради. Шунинг учун, билим орқали биз билим билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани, бошқача айтганда, таълим ёки тажриба орқали олган маълумотларнинг бутун миқдорини назарда тутамиз¹⁵.

Шундай қилиб, когнитивлик (билиш) - бизга турли йўллар (идрок, тажриба, эътиқод) орқали келган маълумотларни идрок қилиш ва қайта ишлаш қобилиятидир, яъни уларни билимга айлантиришдир. Бу қобилият ўрганиш, диққат, хотира, нутқ, мулоҳаза юритиш, қарор қабул қилиш каби турли билиш жараёнларини қамраб олади, интеллектуал ривожланиш ва тажрибанинг бир қисмига айланади.

1960-йиллардан бошлаб когнитивлик ва билиш қобилиятларига қизиқиш сезиларли даражада ортди ҳамда бу соҳадаги кўплаб тадқиқотлар туфайли ушбу жараёнлар ҳақидаги билимларни анча кенгайтиришга имкон яратилди.

Когнитив жараёнлар - бу биз янги билимларни эгаллаб, саволларга жавоблар оладиган, қарорлар қабул қила оладиган интеллектуал жараёнлардир. Бу жараёнлар турли билиш қобилиятларини ўз ичига олади: идрок, диққат, хотира, тафаккур ва бошқалар. Буларнинг барчаси билим олиш ва атрофимиздаги дунёни тушунишга ёрдам беради, фикрлаш тарзини ҳосил бўлишига олиб келади - бу эса когнитив вазифалардир. Демак, тафаккур тарзи ҳам когнитив жараённинг бир элементи, ёки жабҳасидир.

Когнитивликнинг асосий мазмунини янги билимлар ишлаб чиқара олиш имконияти ташкил этади. Когнитолог тафаккур билиш жараёнида исботланганлик, мантиқий асосланганлик, мустақил ва танқидий фикрлашга, яъни рефлексияга асосланади.¹⁶ Бу ерда асосан когнитивликнинг рационал жиҳатларига урғу берилган.

Когнитивликнинг асосий мазмунини янги билимлар ишлаб чиқара олиш имконияти ташкил этади. Когнитология - гносеология ва эпистемология йўналишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Когнитивлик илмининг ўзига хослиги шундаки, у инсоннинг билиш ва интеллектуал фаолияти билан боғлиқ бўлган ўта мураккаб муаммоларни қамраб олади¹⁷. Демак, когнитивлик илми қайсидир маънода интегратив йўналиш экан.

¹⁵ CogniFit// <https://www.cognifit.com>. Cognition. 2021.18.07.

¹⁶ Гаффорова Г.Ғ. Ёшларда когнитив тафаккурни ривожлантириш масалалари // Ёшларни ғоявий-мафкуравий тарбиялашнинг устувор йўналишлари мавзисидаги республика илмий-назарий конференцияси. Самарқанд. СамИСИ, 2018. – Б. 28.

¹⁷ Иззетова Э.М. Когнитология о перносмыслении эпистемологической и онтологической проблематики

Кўп манбаларда интеллект ва тафаккур тушунчалари айнанлаштирилади. Интеллект – сезиш, идрок этиш, англаш, тушуниш, фаросат каби руҳиятнинг сифатларини намоён этади. Интеллект бу атроф-муҳитга мослашиш (адаптация), ақлий масалаларни ечиш қобилиятидир.

Когнитив тизим ва когнитив структура – инсоннинг характерини шакллантириш, тарбиялаш, ўқитиш, кузатиш ва атроф-муҳитда акс эттириш натижасида унинг онгида ривожланган билиш тизимидир¹⁸. Демак, инсоннинг когнитив қобилияти унинг яшаш тарзи, овқатланиши, ижтимоий муҳит, саломатлик, ирсий омиллар, мутолаа кабилар билан белгиланади. Когнитивлик инсон интеллектуал қобилияти бўлиб уни муаммо сифатида ўрганиш XX асрнинг иккинчи ярмидан тадқиқот объектига айланган.

Когнитивлик интеллектуал фаолиятнинг ўзига хос хусусияти сифатида қуйидаги жиҳатларда кўриб чиқилади:

1. Когнитивлик муаммоси дастлаб психология, нейробиология, неврология, лингвистика фанларида тадқиқ этилган бўлса, аста-секин фалсафанинг эпистемология бўлимига ҳам кириб борди.

2. Психологлар когнитивликни руҳий жиҳатларини тадқиқ этсалар, файласуфлар унинг гносеологик, мантиқий томонларини ўргана бошладилар.

3. Когнитивлик муаммосини эпистемологик жиҳатдан ўрганиш инсон билиш қобилиятининг креатив ва конструктив жиҳатларини кенгроқ очиш имконини беради. Когнитивликнинг айнан ушбу жиҳатлари фалсафий тадқиқот предметида айланиб бормоқда.

“Тафаккур тарзи конструктив когнитив фаолият жараёни ва натижаси сифатида” деб номланган параграфда тафаккур тарзининг когнитив элементлари, функциялари ва параметрлари таҳлил қилинган. Когнитивлик, мураккаб ўз-ўзини ташкил қилувчи ментал тизим бўлиб, ўз таркибига тафаккур тарзи, билиш жараёни, конструктивлик, креативлик, лойиҳалаштириш каби эпистемологик тушунчаларни бирлаштиради. Демак, тафаккур тарзининг шаклланиши ҳам конструктив когнитив жараёндир. Тафаккур форматларининг когнитив бирлигини фикр ташкил этади¹⁹. Ҳар қандай янги, инновацион фикр ва ғоя конструктив характерга эга бўлиб, янги тафаккур тарзининг шакллашига олиб келади. Когнитивлик эса бу феноменда марказда турадиган эпистемологик “камар” вазифасини бажаради.

Тафаккур тарзининг когнитив параметрлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: 1) тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, ҳулоса); 2) постулатлар; 3) фреймлар; 4) константалар; 5) парадигмалар; 6) назариялар;

теории познания // Глобализация шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалари. VI илмий-назарий семинар материаллари. Т., 2017. –С.45.

¹⁸ Когнитивная система // Философия: Энциклопедический словарь — М.: Гардарики. Под редакцией А.А. Ивина. 2004.

¹⁹ Кушаков Ш.С. Опыт применения идеи форматов мышления к исследованию античной философии // Маънавий меросда ворислик ва унинг XXI аср таълим-тарбиясидаги ўрни мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Самарқанд, 2021. – С.21.

7) илмий башорат; 8) интеллектуал фаолият; 9) креативлик; 10) конструктив ва проектив моделлар, образлар.

Илмий тафаккур тарзи когнитив жараёнга барқарорлик бағишлайди, давр фанини, хусусиятини, услублар ва ёндашувлар бирлигини таъминлайди.

Илмий тафаккур тарзининг ҳарактерли жиҳати когнитив фаолиятини йўналтирадиган, бирлаштирадиган, умумлаштирадиган ва баҳолаш хоссасига эга бўлган концептуал ва таянч категориялар, тамойиллар, ғоялар ҳамда идеаллардан иборат тузилмадир.

Тафаккур тарзининг когнитивлиги илмий ахборот ва информация билан ҳам боғланади. Ахборот ёки информация ўз-ўзини ташкил қилувчи тизимларни муҳим таркибий қисмидир. Хотира, фаолият дастури, ўз-ўзини тиклаш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз юксалмайди.

Диссертациянинг **“Когнитив тизимлар ва ривожланишнинг эпистемологик талқини”** деб номланган параграфида интеллектнинг турлари, сунъий интеллектнинг моҳияти, Жан Пиаже ва Вигосткийнинг когнитив ривожланиш назарияси ҳамда когнитивлик ва нокогнитивликнинг қиёсий таҳлили берилган.

Когнитив конструктивистик тафаккур тарзи имкониятларини ривожлантириш учун интеллектуал воситалар ва механизмларни кўриб чиқиш тафаккур тарзини доимий янгилашиши ва ривожланишига ёрдам беради. Тафаккур тарзининг когнитив конструктивлиги доимий интеллектуал фаолият, янгиликларни кашф этиш ва ихтирочилик фаолияти билан узвий боғлиқдир. Бундай фаолият даражасига эришиш учун ёш тадқиқотчилар ва олимлар бир қатор психологик, педагогик ва ақлий қобилиятларини ривожлантириши, касбий маҳоратини шакллантириши зарур.

Жан Пиаженинг когнитив ривожланиш назарияси тафаккур жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқдир. У инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро алоқада бўлган ҳаракатлари орқали билиш қобилиятларини мустақил равишда қуриш имконига эга эканлигига эътибор қаратган²⁰.

Нокогнитивизм баъзи муаллифлар фикрича, субъектив эпистемология бўлиб, объектив ҳақиқатни инкор этади. Шунингдек, нокогнитивлик илмий ҳақиқат масаласида скептицизм, агностицизмга яқин ёндашувдир.

Когнитивлик кенг маънода билиш жараёни ва инсон билиш қобилиятидир. Когнитивлик эпистемологик маънода рационаликни намоён этади. Бундан келиб чиқадики, агар рационалик когнитивлик билан диалектик алоқадорликда бўлса, бунда когнитивлик ҳам интеллектуал фаолият сифатида узоқ эволюцион йўлни босиб ўтган. Когнитивлик аналитик фалсафа қўйган муаммоларга ҳам яқиндир.

Бинар тафаккурга кўра когнитивлик ўзининг қарама-қарши томонига эга бўлиб, бу нокогнитивлик деб аталмоқда. Нокогнитивлик кенг маънода онгнинг жиҳатларини қамраб оладиган маънавий-руҳий ҳолатдир. Унга

²⁰ Пиаже Ж. Избранные психологические труды. М.: Просвещение, 1969. – С. 34-38.

маънавий ҳаёт, руҳият, идеаллик ва ҳоказолар мисол бўла олади. Нокогнитивлик руҳий оламнинг намоён бўлишини, ахлоқий, эстетик ва диний қарашларнинг таҳлилини берадиган тушунчадир²¹. Бошқа томондан, нокогнитивизм ахлоқий, эстетик ёки бошқа (инсоний) қадриятларни истисно қилмайди, инсон призмаси орқали билимларни аксеологик томони ва гуманистик жиҳатларига урғу беради. Демак, илмий изланиш ва билиш жараёнида когнитивлик конкрет нарса ҳамда воқеа-ҳодисаларни рационаллик асосида ифодаласа, нокогнитивлик эса мавҳум, руҳий ва идеал объектларни субъектив ёндашув асосида белгилар экан.

Когнитивлик интерпретациясидан қўйидаги мулоҳазалар келиб чиқади:

1. Ахборот технологиялари ва компьютер инқилоби шароитида когнитивликни кибернетик, техник тизимларда тадқиқ этиш, сунъий интеллект муаммосининг янги қирраларини очиб бериш имконини беради.

2. Жан Пиаженинг когнитив ривожланиш назариясининг фалсафий таҳлили эпистемологиянинг тафаккур ривожланиши, билиш қобилиятини ошириш каби амалий тавсияларни фан ва таълимда самарали қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Инсоннинг фан соҳасидаги интеллектуал фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган когнитивликнинг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берилган талқинларини таҳлил қилиш, қўйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

1. Когнитология дастлаб психологияда инсоннинг психик қобилиятларини ўрганиш натижасида вужудга келиб, кейинчалик фалсафа, антропология, эпистемология, гносеология, методология каби фанларнинг тадқиқот доирасига кириб борди.

2. Ижтимоий-тарихий тараққиёт шуни кўрсатадики, жамиятда кишилар когнитив фаолияти ҳар доим тафаккур тарзининг шаклланиши ва янгиланишига олиб келади. Илмий изланишлар тафаккур тарзи конструктив когнитив фаолият жараёни ва натижаси эканлигини асослаб берди.

3. Тафаккур тарзининг когнитив конструктивлиги интерпретацияси натижасида компьютер технологияларидаги когнитив жараёнлар, фрейм ғоялари, сунъий интеллектни самарали қўллаш виртуаллашаётган ижтимоий муҳитда инсон когнитив қобилиятларини кучайтириш, янги даврга мослаштириш каби ижтимоий-психологик муаммоларга инновацион ечимни беради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги масалалари”** деб аталган бўлиб, унда тафаккур конструктивизми тарихий-эпистемологик таҳлили, фан тарихида конструктивизм парадигмалари, конструктивизм назариялари ва ёндашувлари, илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси масалалари ёритилган.

²¹ Максимов Л.В. Когнитивизм как парадигма гуманитарно-философской мысли. – М.: Российская политическая энциклопедия. 2003. – С.9.

“Когнитив конструктивлик эпистемологик муаммо сифатида” деб аталган иккинчи бобнинг биринчи параграфида конструктларнинг қўлланиши ва намоён бўлишига қараб назарий концептуал, эмперик, ижтимоий каби турлари таснифланган. Билиш жараёнида олдин маълум бўлмаган, янги тушунчани, хоссани, қараш ва ёндашувни “конструкциялар” яъни **“когнитив конструкт”**лар деб аташимиз мумкин. Когнитив конструктивлик фалсафада, фанда ҳар бир янги тушунча “назарий-концептуал конструкт” ҳисобланади. Масалан, Томас Кун киритган “парадигма” тушунчаси мураккаб назарий-концептуал конструкт ҳисобланади. Нильс Борнинг “мувофиқлик” тамойили, Гейзенбергнинг “ноаниқлик” тамойили, Макс Планкнинг “квант” тушунчаси, А.Энштейннинг “нисбийлик” ғояси эса назарий концептуал конструктларга мисол бўлади.

Эмперик конструктивлик тажриба ва экспериментда янги асбоб, ускуналар, воситаларнинг яратиш жараёни ва у орқали янгиликни аниқлашни ҳисоблайди. Масалан, Николай Коперник гелиоцентрик қарашлари ва уни асослашга оид тажрибалари, кузатувлари эмпирик конструктивликдир. Галилео Галилейнинг ҳаёлий эксперименти эса ҳам эмперик ҳам назарий конструктивликка мисол бўла олади.

Фан таракқиётида вужудга келган ҳар бир янги тушунча, ғоя ва тамойил когнитив конструктив фаолият жараёнидир маҳсули ва натижасидир. Янги тушунча билишнинг уфқи (горизонти)ни кенгайтиради. Демак, фаннинг юксалиши доимо когнитив конструктивликнинг шаклланиши орқали юз беради.

Конструктларнинг фундаментал турлари тафаккур тарзининг элементига айланади (ночизиклилик, динамик хаос, энтропия, энергия, аттрактор). Хусусан, синергетика илмий йўналишининг асосий тушунча ва категориялари (хаос, тартибот, бифуркация, флуктуация, аттрактор) ҳам конструктлар ҳисобланади. Конструкт – қурилиш, янги нарсага айтилади. Инновацион тафаккур тарзи когнитив конструктивликнинг натижасидир.

Тафаккур тарзининг шаклланишида когнитив конструктивликнинг концептуал ҳаракатлантирувчи кучи, йўналиш сифатида, тадқиқот йўналишини танлаш вазиятида, олинган натижаларни тартибга солишда намоён бўлади.

Ғарб фалсафасида когнитивлик муаммоси эпистемология доирасида тадқиқ этила бошланди. Натижада эпистемологиянинг янги йўналишлари: генетик эпистемология, натураллашган эпистемология, эволюцион эпистемология вужудга келиб, фан методологиясида янги мазмунга эга бўлади.

Диссертациянинг **“Конструктивистик парадигма: асосий йўналишлар ва ёндашувлар”** деб номланган параграфида конструктивизмнинг тарихий кўринишлари диахроник ва синхроник жиҳатдан тадқиқ этилган. Конструктивизм ғоясининг тарихий илдизи аслида,

француз ва классик немис фалсафасига бориб тақалсада, фақатгина XX асрда гуманитар фанларнинг тадқиқот доирасига кириб борди.

Конструктивизмнинг асосий ғояси, бизни ўраб турган дунёни тафаккур ва идрок этиш жараёнларида экс этишдан кўра, уни конструкциялаштиришдир²². Бу ерда конструктивликнинг когнитив характери эътироф этилган.

Конструктивистлар содда реализмга асосланиб, унинг ҳар қандай маҳсулотини билишнинг объектив борлиқ билан ўзаро таъсирда акс этиш натижалари сифатида талқин қиладилар ва бу масалада ўзга фикрларга қарши чиқадилар. Бу йўналиш намоёндаларининг таъкидлашиларича, инсон ва бошқа мавжудотлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, у ўйчан, ҳатто фаол ёки нофаол эмас, балки конструктив, ижодий ва доимо ўз-ўзини яратадиган мавжудотдир. Шу ғоядан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси креативлик (ижодкорлик) механизмини ўз ичига доимий равишда имконият каби сақлайдиган феномендир. Тафаккур тарзида доимий янгиланишлар ва инновациялар конструктив трансформация эвазига амалга ошади.

Конструктивизмга дунёни англаш ғояси ва ёндашуви сифатида қараётган бўлсак, билиш субъекти дунёнинг моделларини яратиб, у орқали сабаб ва оқибат занжири принципига кўра ижтимоий воқеликни аниқлайди. Идрокда моделларни яратиш (конструкциялаш) ғояси швейцариялик психолог Ж.Пиаже тадқиқотларида берилган бўлиб, у фикрлашнинг психологик когнитив тузилмаларини тавсифлаш учун мантиқ ва кўплик назариясидан фойдаланган.

“Конструктив альтернативизм” ва шахсий конструкциялар назариясининг асосчиси Ж.Келли анча мўътадил услубий позицияни ишлаб чиқади. Ж.Келлининг асосий ғоясига кўра, “шахсий хулқ-атвор воқеаларни кузатиш орқали конструкцияларнинг йўналишлари бўйлаб тузилади”.²³ Шунга ўхшаш фикрни С.Л.Рубинштейн “онг ва фаолият бирлиги” ҳақидаги таълимотида баён қилган.

Илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хусусиятлари ҳамда моделларини ўрганиш учун зарур бўлган назарий ғоялар ва ёндашувлар ишлаб чиқилган. Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий ҳаётда илмий фикрлашнинг конструктив ўзгаришига объектлар ва субъектлар, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади.

1. Конструктивистик парадигмага кўра, тафаккур тарзи мураккаб маънавий ва назарий-ғоявий ҳодиса бўлиб, кўп қиррали концептуал, ворислик ва инновацион хислатларга эга. Шунинг учун тадқиқотчилар тафаккур тарзининг элементлари ва асосий чизгилари ҳақида фикр юритишади.

²² Абдуллаева М.Н. Конструктивизм эпистемологияда // Глобаллашув шароитида фалсафа ва миллий ғоянинг долзарб масалалари мавзусидаги VI илмий-назарий семинар материаллари. – Т.: 2017. – Б. 32.

²³ Петренко В.Ф. Конструктивистская парадигма в психологической науке // Психологический журнал. 2002. № 3. – С. 113-121.

2. Тафаккур тарзининг конструктив элементлари деганда муайян услублар, илмий билиш шакллари, фан объекти тўғрисидаги умумий тасаввурлар, илмий фаолият нормалари ва стандартлари тушунилади. Етакчи илмий тасаввурлар ва ғоялар фан тараққиётининг маълум босқичида интегратив, конструктив ва синтетик вазифаларини бажариб, муайян даврдаги тафаккур тарзини умумлаштирувчи хислатни белгилайди.

3. Тафаккур тарзи илмий билиш жараёнида конструктив функцияни бажаради ҳамда ҳар бир тарихий даврда илмий тадқиқотларни маълум бир изланиш соҳасига йўналтиради. Тафаккурнинг когнитив конструктив жиҳатларини кучайтириш, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккурини шакллантириш ҳамда мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради. Ҳозирги замон тафаккур тарзининг когнитив конструктив моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш мутахассислар ва олимларнинг касбий малакани эгаллашидаги услубий функциядир.

Диссертация иккинчи бобининг иккинчи параграфи **“Илмий инқилоб илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси сифатида”** деб номланган. Ҳозирги замон тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси, концептуал моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, фан ва фалсафада вужудга келаётган янги йўналиш ва ёндашувларни когнитив англаш, тушунишдаги методологик ҳамда эвристик вазифани бажаради.

Фан тараққиёти ривожланишнинг умумий қонуниятларига бўйсунадиган интеллект конструктив жараён ва соҳадир. Ривожланишнинг умумий қонуниятларига тадрижий (эволюцион) ва сакрашсимон (инқилобий) ўзгариш, эски сифатдан янги сифатга ўтиш киради. Бу икки турдаги ўтиш фан тараққиёти учун ҳам хосдир. Фан тараққиётининг конструктив трансформацияси маълум тарихий даврда илмий инқилобларда намоён бўлади.

Тафаккур тарзининг трансформацион конструкцияси илмий инқилобларнинг роли ва аҳамияти диахроник ёндашув асосида маълум даврдаги кашфиётлар ҳамда ихтиролар билан белгиланади. Замонавий тафаккур тарзининг конструктив ўзгариши, мувофиқлаштирилган моҳият, унинг когнитив ижтимоий зарурияти, фан ва фалсафадаги янги йўналишлар ва ёндашувлар конструктивизм ҳамда когнитология учун янги методологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Олдклассик (мил. авв. VI-V-XIV асрлар) илмий тафаккур тарзининг шаклланишига антик давр фани ва фалсафаси, ўрта аср мусулмон Шарқдаги алломаларнинг табиий ва аниқ фанлар борасидаги инқилобий қарашлари, таълимотлари, назариялари асос бўлди.

Янги даврга келиб Ғарбий Европада буюк географик ва илмий кашфиётлар, техник ихтиролар классик илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформациясига олиб келди ва уч йўналишда ривожланди: механистик тафаккур тарзи; казуал тафаккур тарзи; илмий-эволюцион тафаккур тарзи.

Механистик тафаккур тарзининг вужудга келишида Галилей ва Ньютоннинг физика ва механикадаги инқилобий характердаги кашфиётлари ва экспериментлари сабаб бўлди. Механистик тафаккур тарзининг шаклланишига назарий замин сифатида Коперник ва Кеплернинг астрономик ғоялари ишлаб чиқилди. Механика фанида конструктив характерга эга бўлган илмий ғоялар, қарашлар, тадқиқот усуллари шаклланди. Классик тафаккур тарзининг вужудга келиш сабабларининг гносеологик илдизи чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга, реформациялар ва ижтимоий-сиёсий инқилобларига бориб тарқалади.

Детерминистик (казуал) тафаккур тарзига материалистик дунёқарашидаги олимларнинг табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига сабаб-оқибат диалектикаси нуқтаи-назаридан ёндашуви тўртки бўлди. Яъни ҳар бир ҳодисанинг илмий сабаби, асоси мавжудлиги эътироф этила бошланди.

Илмий-эволюцион тафаккур тарзининг концептуал ва когнитив моҳиятини Ж.Б.Ламарк, Ч.Лаел, Ж.Кьювенинг тирик табиатга эволюцион ёндашув ва қарашлари ҳамда Ч.Дарвиннинг эволюцион назарияси ташкил этди.

XX аср бошларида илмий жамоатчилик микроолам қонуниятларига ўрганишга киришдилар, натижада генетика, ядро физикаси, квант механикаси каби фанлар вужудга келиб, ноклассик фан ва физиканинг вужудга келишига имкон яратди. Хусусан, Макс Планк, Э.Шрёдингер, В.Гейзенберг, А.Эйнштейн, М.Борн, Луи Де Бройл, П.Дирак каби олимларнинг изланиши классик фан ва физика доирасидан чиқиб, ўша давр учун инқилобий ва конструктив характердаги тасаввурлар ҳамда ғоялар илмий манзараси, оламни фан парадигмасининг ўзгаришига олиб келди. Бу эса ноклассик илмий тафаккур тарзининг шаклланишини тақозо этди. Ноклассик илмий тафаккур тарзи қўйидаги кўринишларда ривожланди: назарий-эҳтимоллик тафаккур тарзи; физикалистик тафаккур тарзи; тизимли тафаккур тарзи; кибернетик тафаккур тарзи; циклистик тафаккур тарзи.

Назарий-эҳтимоллик тафаккур тарзининг шаклланишида А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси асосий роль ўйнади. Шунингдек, фазо ва вақт муаммосига релятивистик ёндашув ноклассик илмий тафаккур тарзининг муҳим концептуал унсурига айланди.

XX асрнинг 60-80-йиллари тизимли ёндашув ва тафаккур тарзи ўзини ниҳоятда эвристик самарадорлигини кўрсатган давр бўлди. Тизимли тафаккур тарзининг асосий белгилари доирасида олимлар борлиқ ва ундаги нарса-ҳодисаларга “тизимли” назар билан қарай бошладилар. Тизимли тафаккур тарзига назарий ва методологик жиҳатадан биолог олим Людвиг фон Берталанфининг таълимоти асос бўлган.

XX асрнинг 50-60 йилларида компьютер инқилоби, радиоэлектроника, ахборот технологияси ва кибернетика фани кибернетик тафаккур тарзининг

шаклланишини тақозо қилди. Унинг назарий асосларини Н.Винер ишлаб чиққан.

Циклистика ҳозирги замон илмий техника тараққиётининг натижаси бўлиб ҳисобланади. XX асрнинг бошларида россиялик олимлар циклология фанига асос солдилар. Циклистика (ёки циклология) фани табиат ва жамият тўғрисидаги инновацион ва конструктив характердаги билимларни ишлаб чиқаришга қаратилган ёндашувлар циклистик тафаккур тарзини вужудга келтирди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан постноклассик фанлар, фалсафа вужудга келиб, бу эса постноклассик илмий тафаккур тарзи шаклланишига асос бўлди

Постноклассик илмий тафаккур тарзи кўйидаги шаҳобчаларда ривожланди: экологик тафаккур тарзи; глобалистик тафаккур тарзи; синергетик тафаккур тарзи; виртуалистик тафаккур тарзи; постноклассик циклик тафаккур тарзи.

Экологик тафаккур тарзининг вужудга келишига XX асрда кўпгина глобал экологик муаммолар, экологик бўҳронлар ва уларга қарши кураш каби ҳолатлар сабаб бўлди. Глобалистик тафаккур тарзи глобал эволюционизм ғояси билан боғлиқ бўлди. Синергетик тафаккур тарзи XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган синергетика илмий йўналишининг категориялари назарий замин бўлди. Виртуалистик тафаккур тарзи виртуал олам, виртуалистика, виртуаллик категориялари билан боғлиқдир.

Илмий инқилоб илмий тафаккур тарзининг конструктивистик ўзаги бўлган асосий тушунчалар ва тасаввурларнинг янгиланишига олиб келди.

Илмий инқилобнинг конструктив жиҳатлари:

1. Илмий инқилоб тадқиқотни янги соҳалари ва предметини очишда, шу боис, тадқиқотини янги усулларини ва уларга монанд бўлган назарий тушунчаларни ишлаб чиқишда кўринади. Шундай илмий инқилоб қаторига математикада нозикли геометрия ёки дифференциал ва интеграл ҳисоблаш усулларини, классик ва релятивистик механикани яратилишини киритиш мумкин.

2. Илмий инқилоб тадқиқот объектини чуқур, фундаментал, мавжуд тасаввурларни ўзгартириб юборадиган хусусиятларини, қонуниятларини очиш ва уларни талқин этишни билдириши мумкин. Масалан, физикада Больцман термодинамикасини ёки ёруғликни квант назариясини (Планк) пайдо бўлиши.

3. Илмий инқилоб объект ҳақидаги олдинги тасаввурларни сифат жиҳатдан ўзгартирилишини билдириш мумкин.

Бунда конструктивизм ҳар бир тарихий даврда инқилоблар содир бўлиши, янги парадигмаларни вужудга келишида интеллектуал омил бўлиб хизмат қилади. Тафаккур тарзининг конструктив трансформациясида илмий инқилобларнинг роли ва аҳамияти бўлмоқда. Демак, илмий инқилоб илмий тафаккур тарзининг когнитив ўзаги бўлган асосий тушунчалар ва креатив

тасаввурларнинг конструктив янгиланишига, трансформациясига олиб келади.

1. Конструктивизм фалсафа тарихида француз, немис фалсафасида куртаклари вужудга келиб, XX асрда эса парадигма сифатида нафақат ижтимоий-гуманитар фанлар балки, аниқ, техник, табиий фанлар методологиясида кенг қўлланилди.

2. Конструктивизм психология, социология, фалсафада билишнинг конструктив табиати, онгнинг лингвистик ва маданий-тарихий боғлиқлиги, дунёни билиш ва тушуниш конструктларининг индивидуаллиги, конструктив альтернативизм, ҳақиқат плюралиزمи ҳақидаги турфа хил назарияларни ўз ичига оладиган таълимотлар ҳамда ёндашувларнинг когнитив мажмуидир.

3. Диахроник ва синхроник жиҳатдан конструктивизм шаклан ва мазмунан трансформацияга учраб, ижтимоий, радикал, психологик, когнитив, натуралистик ва маданий конструктивизм кўринишларда намоён бўлди.

4. Илмий тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси фандаги илмий инқилоблар ва парадигмалар янгиланиши билан белгиланади. Тафаккур тарзининг конструктивлиги, илмийликнинг ўзига хос меъёри сифатида оламни билишга қаратилган ёндашувлар, тамойиллар ва идеалларнинг ҳаракатга келишида, йўналтириш, экстраполяция ва умумлаштиришни бажаришда намоён бўлади.

Диссертациянинг **“Илмий тафаккур тарзининг креативлиги: муаммога феноменологик ва номологик рефлексив ёндашувлар”** деб номланган учинчи бобида, илмий тафаккур тарзининг креативлиги, генезиси, эмпирик ва назарий билимлар тизимида креативлик, фан, техника ва илмий-педагогик фаолиятда конструктив креативликнинг когерентлиги масалалари ўрганилади.

Учинчи бобнинг биринчи параграфи **“Илмий тафаккур тарзи креатив конструктивлиги: генезиси ва эволюцияси”** деб номланган. Инсоннинг креативлиги бу ижтимоий ва интеллектуал фаолият доирасига кирган шахснинг туб хусусияти, унинг имманент хоссасидир: шахснинг, унинг қобилиятлари ва кўникмаларининг ривожланиш даражаси, шунингдек, унинг ижтимоийлашганлик миқёси, унинг ижодий бунёдкорлик фаоллиги билан белгиланади. Креативлик шахснинг бунёдкорлик, яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқаради. Ижодий фаолиятда тадқиқотчи, яратувчи, олим шахсининг ўзига хослиги ва бетакрорлиги намоён бўлади.

Илмий фаолият креативлик билан чамбарчас боғлиқ. Илмий ходимнинг билими, истеъдоди, қобилияти, кўникмалари, илмий ҳақиқатнинг тубига етишга бўлган интилишлари илмий креативликда ўз аксини топади. Илмий кашфиёт, фанда янги назария ёки йўналиш яратиш креативликнинг фандаги олий ифодасидир. Илмий тадқиқотлар соҳасида юксак натижаларга эришган олимлар даҳо деб аталиши бежиз эмас.

Ижод жараёнини азалдан анъанавий тарзда ижодий тафаккур психологияси билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши ижодиёт психологияси механизмини марказий ўринда тақдим этилишига сабаб бўлди. Креатив тафаккур борасидаги бир қанча машҳур тадқиқотларни муҳокама қилиш орқали ижодиёт психологияси юзага келган. Айнан ижодий тафаккур яъни креативлик жаҳон илм-фани тараққиётида муҳим конструктив роль ўйнади. Ваҳоланки, креатив тафаккурнинг ривожланиши учун давр ва ижтимоий муҳит ҳам ҳал қилувчи омиллар қаторига киради. Шу боис, ижодкорлик, креатив ғоялар айнан Ренессанс даврида кенг тараққий этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, креативлик (лот., инг. “create” - яратиш, “creative” - яратувчи, ижодкор) – кишининг олдин мавжуд бўлмаган инновацион ғояларни ишлаб чиқариш, яратувчанлик, бунёдкорликни мужассамлаштирувчи ижодий қобилиятидир. Зеро, бизнинг алломаларимизнинг илмий мероси эса ўз даврида креативликнинг ёрқин намунаси бўлган, деб ҳисоблаш мумкин.

Креативлик (ижодкорлик) - бу олдиндан билиб бўлмайдиган, оригинал ва ноёб нарсаларни яратиш қобилиятидир. Бу ифодали, ҳаяжонли ва ижодий бўлиши керак. Бу инсон ҳар қандай шароитда ҳам қанчалик яхши фикрлай олишининг кўзгусидир²⁴.

Марказий Осиёда ҳам ўрта асрларда мутафаккирлар шакллантирган таълимотларда креатив тафаккурнинг ажойиб намуналари ишлаб чиқилган.

Ўрта асрда табиатшунослик фанлари мусулмон Шарқида, шу жумладан Ўрта Осиёда тараққий этиб, буюк илмий ва маърифий кадриятлар яратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мусулмон Шарқи фалсафаси ва фанида креативликнинг намоён бўлиши буюк алломаларимиз яратган нодир илмий асарларда, рисола ва қонуниятларида ифодаланди. Хусусан, креативликнинг маҳсули бўлган илм-фан тарққиётига Марказий Осиё алломаларидан Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал Хоразмий ва бошқа алломалар катта ҳисса қўшганлар.

Ўрта асрлар Марказий Осиё алломалари ғарбликлардан 2-3 аср олдин табиатшунослик фанларида креатив тафаккур маҳсули сифатида эвристик ёндашувлар, қонуниятлар, олдин мавжуд бўлмаган илмий билиш усуллари ва воситаларини қўллаган эдилар. Бу эса Мусулмон Шарқи маданиятидаги креатив тафаккур тарзи Ғарб ренессанси учун ғоявий ворислик ролини ўйнади. Натижада ғарбдаги креативлик ва кашфиётлар Шарқ илмий тафаккур тарзидан маънавий озуқа олди. Бу эса Европа табиатшунослик фанларидаги парадигмал ўзгариш ва илмий инқилобига концептуал-назарий замин бўлиб хизмат қилди. Бу интеллектуал омил эса XVII-XIX асрлар давомида Европа мамлакатларида фан парадигмалари ўзгариши ва илмий инқилобларга олиб келди.

²⁴Боровинская Д.Н. Креативность и мышление: категориальная характеристика / Д.Н. Боровинская, В.А.Суровцев // Вестник Томского государственного университета. Философия. Социология. Политология. - 2019. -№ 47. –С. 15-24.

Мусулмон Шарқида ренессанс даврида рационалликка асосланган креатив конструктив тафаккур тарзининг заминиди буюк алломаларимиз ўз ижодларида тадбиқ этган аниқлик, исботланганлик, мантикийлик, тажрибага асосланиш каби тамойиллари ўз даврининг инновацияси бўлди.

Шундай қилиб, ўрта аср мусулмон Шарқи, жумладан, Марказий Осиё алломаларининг креатив фаолияти жаҳон тараққиётининг алоҳида, бетакрор босқичи бўлди. Фанда тарихий ва концептуал ворисликни таъминлади, инновацион ёндашувлар, янги назариялар, тадқиқот усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлди.

“Назарий билимлар ва илмий тафаккур тарзининг креативлик конструктивлиги: уларнинг когерентлигини эпистемологик асослаш” деб номланган параграфда креатив тафаккур тарзининг рационал ва нораціонал жиҳатлари конструктивизм контекстида ўрганилади.

Креатив тафаккурнинг конструктивлиги қўйидагиларда намоён бўлади:

- олдин мавжуд бўлмаган янгиликни яратиш;
- Интуитив тафаккур механизмлари қўлланилади;
- тўсатдан, кутилмаган, ногаҳон илҳомланиш ва ечимни топишга асосланади;
- конструктив тафаккурнинг креатив имконияти чегарасиз бўлиб, бу эса кенг қўламли ижодий тадқиқотлар учун чекловлар йўқлигини кўрсатади;
- креативлик онг ости ва онг усти қатламида кечадиган тасаввур, фантазия ва хаёлга асосланади;
- креативликнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири онг ости ва нораціоналликдир;
- натижаси эса кутилмаган ва башорат қилинмаган бўлади;
- креативлик жамият ва фанда прогрессив характерга эга;
- фан тарихидаги кашфиёт ва ихтиролар креативликнинг конструктив маҳсулидир.

Инновацион тафаккур барча ҳолларда ижтимоий билиш ва амалиётининг турли соҳаларида янги нарсаларни топиш, кашф этиш, яратиш, шунингдек, аввалги ғоялар, қарашлар, баҳолар ва ёндашувларни янгилашга қаратилади.

Инновацион фаолиятнинг ўзига хослиги ва унга мос келувчи инновацион тафаккур ҳам назарий билимларни доимий равишда янгилаб бориш, амалий касбий фаолиятда қўллай олиш, муайян касбий фаолият соҳасида аниқ билим ва тажрибадан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат шахснинг юқори даражадаги билиш қобилиятини назарда тутди.

Креативлик ва инновация ўртасидаги асосий фарқлар:

1. Янги ғоялар ҳақида фикр юритиш ва уларни ҳақиқатга айлантириш сифати ижоддир. Креатив ғояларни амалиётга тадбиқ этиш ҳаракати

янгиликдир, яъни инновация янгиликни татбиқ этиш ва тарқатишни билдиради.

2. Креативлик - бу ижодий жараён бўлиб, янгиликдан фарқли ўлароқ, у конструктив жараёндир.

3. Креативликни ҳеч қачон миқдорий ўлчаб бўлмайди, аммо инновацияни (янгиликни жорий қилиниши) ўлчаш мумкин.

4. Креативлик янги ва ноёб ғояларни ишлаб чиқаришдир. Аксинча, инновация бозорга яхшироқ нарса олиб келишни билдиради.

5. Креативлик ва ижод пул талаб қилмайди, инновация пул ва маблағ талаб қилади.

6. Ижодда таваккалчилик йўқ, таваккалчилик эса ҳар доим янгилик билан боғлиқ.

Креативлик ва инновация ўртасидаги когерент боғланишлар қўйидагиларда намоён бўлади:

1. Креативлик ҳам, инновация ҳам ўзида янгиликни акс эттиради;
2. Улар интеллектуал фаолиятнинг натижасидир;
3. Креативлик ҳам инновация ҳам ижтимоий тараққиётда намоён бўлиб, прогрессга олиб келади;

4. Креативлик ҳам инновация ҳам жамиятнинг барча соҳаларида сифат ва миқдор ўзгаришларга олиб келади.

5. Креативлик ва инновация ўзаро диалектик алоқадорликда бўлиб бир-бирини тақозо этади.

Креатив тафаккур тарзига конструктив ёндашув илмий тафаккур тарзининг моҳияти ва кўп қиррали томонларини мумкин қадар тўла ва бир бутун тасвирлаш имкониятини беради. Буюк аллома ва файласуфларнинг илмий-ижодий изланишларини таҳлил қилиш буни тасдиқлайди. Тафаккур тарзи муаммосига конструктив ёндашув, унинг когнитив ва креативлиги ўртасидаги когерент боғланишда намоён бўлишини кўрсатади.

Ўтказган тадқиқотимиздан келиб чиқадиган асосий эпистемологик хулоса шуки, илмий тафаккур тарзи креатив конструктивлиги оламнинг илмий манзараси, фан парадигмалари, илмий инқилоб ва фан методологиясига таъсир қиладиган, юзага келган кашфиётларга метаназарий маъно ва умумлашма берадиган, истиқболни кўрсатадиган ёки аксинча, ўзи тубдан ўзгариши мумкин бўлган когнитив-интеллектуал, маънавий-руҳий ҳосилладир. Бу ҳосилаларнинг намоён бўлишида назарий билимлар парадигмаси ва илмий тафаккур тарзи креативлиги ўртасидаги эпистемологик когерентлик ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Учинчи бобнинг учинчи параграфи **“Фан ва таълимда конструктив креативлик ва илмий-педагогик фаолият уйғунлиги”** деб аталган. Илмий тадқиқотда ҳам креатив тафаккур янгича ёндашувни билдиради. Айниқса фанлар дифференциациясида креативлик фандаги инқилоблар ва парадигмал янгилашга олиб келади. Буни фан тарихидан ҳам кўришимиз мумкин. Фанларнинг объектига қараб креатив тафаккур турлича натижаларни беради.

Масалан, креатив тафаккур ижтимоий фанларда янги ғоя, концепция ва қарашларни ишлаб чиқишга олиб келади.

Креатив тафаккур табиатшунослик фанларида янги қонуниятларни очиш ва илмий кашфиётларни англашга ёрдам беради. Креатив тафаккур аниқ ва техника фанларида эса янги дастурлар, ихтиролар қилиш қобилиятини намоён этади.

Креатив тафаккур тарзи янги билимларни муваффақиятли ҳосил қилишда омил бўлиб, илмий тадқиқотда янгилик яратиш босқичидир.

Бирор бир фанни тубдан ўзгартириш ва инқилоб яратиш учун, яратувчи шахсда юксак креатив тафаккур бўлиши лозим. Ноанъанавий фикрлаш, орқали замонавий инновацион янгиликлардан фойдаланган ҳолда иш олиб борилса, мақсадга эришилиши мумкин.

Таълим тизимида фаолият юритувчи барча турдаги педагоглар аввало, креатив фикрловчи, ижодкор, ҳамда инноватор бўлиб, ўзига хос услубига ва йўналишига эга бўлиши лозим. Барча соҳадаги етук кадрларни таълим соҳасини ривожлантириш орқали етиштириб чиқарамиз. Шунинг учун бу соҳадаги конструктив креативликка алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таълимнинг барча соҳаларида ўзига хос соғлом маънавий, интеллектуал рақобатни яратиш ва когнитивликни ошириш орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини англаш лозим. Бу соҳада янгилик яратиш, конструктивлик, бунёдкорлик, яратувчанлик ва ижодий изланишлар бўлмаса, жамиятнинг бирор бир соҳасида ривожланиш содир бўлмаслиги аёндыр. Биз дунёнинг ривожланган давлатлари даражасига чиқиши учун унинг пойдевори Янги Ўзбекистон таълим тизими орқали яратилишини идрок этишимиз лозим.

Ҳозирги замон таълимнинг бош ва асосий вазифаси – ўқувчининг интеллектуал даражасини, яратувчанлигини, ижодкорлигини, изланувчанлигини такомиллаштириш орқали уларни янги билимлар олишга, яратишга руҳлантиришга қаратилмоғи керак. Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг назарий асослари ҳақида ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар билан ёшлар онгини бойитиш, ёшларда ижодкорлик борасидаги ўз-ўзига ишончни орттириш, қизиқувчанлик ва тадқиқотчилигини рағбатлантириш керак. Тафаккур, фан ва амалиётнинг конструктив имкониятларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш замонавий тафаккур хусусиятларини шакллантириш ва мутахассислар онгида креатив тафаккур кўникмаларини сингдириш имконини беради.

Шиддатли трансформацион ўзгаришлар бораётган замонамиз бугунги кун ёшларидан ижодий фикрлашни, ҳозирги даврга мос конструктив янгиликларни яратишни талаб этади. Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг назарий асослари орқали креатив тафаккур борасида умумий тушунчага эга бўлиш, ижодий тафаккур ва ишонч ҳиссини ўзаро уйғун тарзда амалиётда қўллай олиш ёшларнинг онгини, уларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади.

Диссертациянинг тўртинчи боби “**Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзида эвристик ва инновацион конструктивлик**, деб номланиб, унда ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзининг креатив конструктивлиги, проектив тафаккур тарзи, конструктив инновацион фаолиятнинг жиҳатлари, замонавий илмий тафаккур тарзининг инновацион трансформацияси тамойилларининг методологик таҳлили берилган. Тадқиқотнинг ушбу қисмида постноклассик илмий тафаккур тарзининг хусусияти, эвристик, инновацион фаолият, проектив тафаккурнинг мантиқий жиҳатлари, генези ва шаклланиши масалалари таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг “**Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзининг эвристик конструктивлиги**” деб номланган параграфда постноклассик илмий тафаккурнинг эвристик жиҳатлари очиб берилган.

Фалсафа ва фанда ҳозирги замон илмий тафаккур тарзи постноклассик конструкция сиймосида вужудга келиб, у жуда мураккаб, ҳаракатчан, беқарор тизимларни тадқиқ қиладиган фанларга методологик ва назарий-концептуал асос сифатида хизмат қилади.

Когнитив конструктивлик контекстида ўз-ўзини бошқарув, ўз-ўзини ташкиллаштириш, экологик парадигма, фрактал даврийлик, постноклассик илмий тафаккур тарзидаги эволюционизм каби ғоялар ва тамойиллар пайдо бўлди.

Ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзи аста-секин шаклланаётган назарий ҳосила бўлиб, шаклан ва мазмунан бойиб бормоқда. Ҳозирги замон тафаккур тарзи ўзининг вужудга келиш диахроникасига эга бўлиб, у турли илмий тармоқлардан хилма-хил инновацион ғоя ва креатив қарашларни ўз ичига олади.

Ҳозирги замон тафаккур тарзининг ўзига хос эвристик томонларини кўриб чиқишда билим полиморфизми, методологик плюрализм, антроп тамойили, инновацион ёндашув ва бошқаларнинг фаол намоён бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзидаги бошқариш, экологик парадигма, ўз-ўзини ташкиллаштириш, тадрижийлик, цикллилик каби ғоялар когнитив конструктивлик механизмида намоён бўлди.

“**Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзининг инновацион трансформацияси муаммосининг методологик таҳлили**” номли параграфда конструктив илмий тафаккур тарзида инновация ва инновацион фаолиятнинг намоён бўлиши кўрсатилган.

Инновацион тафаккур тарзи янги эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган янги ғоялар, қадриятлар ва лойиҳаларни ихтисослашган корхоналар ва уларни янгилаб туришга кетадиган вақтни қисқартиришга қаратилган интеллектуал когнитив фаолият шакли ҳамда тизимидир.

Инновацион тафаккурнинг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ва ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Инновацион тафаккурнинг шаклланиши унинг ижодкорлик жиҳатларини кучайтириш билан белгиланади. Бу эса, фан ва амалиётга тадбиқ қилиш ҳозирги замон тафаккури ҳисобланган инновацион тафаккурни шакллантириш ва мутахассислар онгига сингдириш имкониятини беради.

Ижод ва креативлик инновацион тафаккурнинг функциясидан иборатдир. Инновацион тафаккурни тадқиқ қилиш йўналиши бўлган ижодиёт фанлараро хусусиятга эгадир.

“Фан, техника ва таълимда проектив тафаккур тарзи когнитив инновация тури сифатида” деб аталган параграфда эса проектив тафаккур тарзининг генезиси, концептуал моҳияти ва ижтимоий аҳамияти талқин қилинган. Охириги вақтларда фан методологияси предмети доирасига проектив тафаккур тарзи муаммосига эпистемологик таъсир кўрсатиш қобилиятига эга бўлган “инновация” тушунчаси кириб бормоқда.

Проектив тафаккур тарзи анъанавийлик ва янгилашни ўзида мужассамлантирган ғоявий-технологик ҳамда образли-лойиҳавий ҳосилдир. Унда доим янги режалар, лойиҳалар, тизимли, интегратив, плюралистик, эвристик ва креатив ёндашувлар намоён бўлади.

Проектив интеллект-ақлий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиш қобилияти ва лойиҳа фаолиятини амалга ошириш қобилияти (лойиҳа тайёрлиги)дир. Инсоннинг лойиҳа тайёрлигининг ривожланиши инсон ҳаёти давомида ҳам аста-секин, ҳам кескин равишда содир бўлади ва проектив тафаккур бир томондан, ақлнинг функцияси, иккинчи томондан - ақлни шакллантириш усулидир. Проектив тафаккур тарзи киши онгида лойиҳаларнинг шаклланган тасаввурлари, тамойиллари ва рационаллик нормаларининг шундай мозаик бирлиги бўлиб, унда у бетакрор, яхлит сиймога эга бўлади, анъанавий ва янги қарашларга нисбатан йўналтириш, бирлаштириш, умумлаштириш, баҳо беришга асос бўлиш функцияларини бажаради.

Мазкур таърифдан шу нарса келиб чиқадики, фикрлаш жараёнининг ўзига хос сиймосини, бир бутунлигини билдирадиган проектив тафаккур тарзида индивидуаллик, хусусийлик ва айниқса инновация биринчи навбатда кўзга ташланадиган хислатдир.

Проектив тафаккур синергетика сифатида нозичли мантиқда намоён бўлади. Бу юқорида муҳокама қилинганидек, муқаррар равишда воқеликни квантлашнинг катта миқёсдаги кундалик ҳаётга татбиқ этишни англатиши натижасидир. Хусусан, бу дизайн контекстида қабул қилинган қарорларнинг кўпинча парадоксал, оддийга нисбатан чизиқли бўлмаганлигида намоён бўлади. Тафаккурнинг бундай катта, умумлаштирувчи кўлами оддий борлиқдан ташқарига ва ҳақиқий шахсдан ташқарига чиқадиган воқеликни танлашда юқори даражадаги абстрактликка мос келади.

Проектив тафаккур маънавий иерархияни яратади, шунинг учун муаммоларни тушунишнинг ҳар бир кейинги босқичи ҳам янги танлов қадамидир.

Проектив фикрлаш ҳар доим лойиҳалаш режасининг бирлаштирувчи контекстида турли хил ва ҳатто зиддиятли маъноларнинг синтези бўлиб, ҳар қандай ҳодисани умумий контекстда жойлаштиришдир. Ва, албатта, у воқеликни яратишда фикрнинг фаол, дунёни шакллантирувчи ролини ва унинг ифодасини (тимсолларини) ўз зиммасига олади. Инновацион таълимда проектив тафаккур тарзи эса бозор иқтисодиёти шароитида, маориф соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда муҳим гносеологик куролдир.

Шундай қилиб, проектив, инновацион тафаккур тарзининг фан ва амалиётдаги роли ва аҳамияти маълум жиҳатдан эвристик усул ҳамда ёндашувларнинг ривожлантирилишига боғлиқдир.

Проектив тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар, ёндашувлар ишлаб чиқдилар. Ижтимоий ҳаётда проектив тафаккурнинг конструктив трансформациясига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади. Проектив тафаккур тарзининг конструктивлиги фандаги парадигмалар янгиланиши билан ҳам белгиланади.

Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзида эвристик ва инновацион конструктивизм муаммоларини тадқиқ қилиш натижасида қўйидаги мулоҳазаларга келинди:

1) ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзида синергетика, виртуалистика, инноватика, циклология, глобал эволюционизм, экология каби илмий йўналишларнинг тушунча ҳамда категориялари эвристик жиҳатларини ташкил этди.

2) ҳозирги замон илмий тафаккур тарзида инновацион конструктивизм инновацион тафаккур ва технология соҳасидаги янги ишланмалар, инновациялар орқали амалга оширилади.

3) ҳозирги замон илмий тафаккур тарзининг инновацион трансформацияси муаммосининг методик таҳлилидан жамият тараққиётида, илмий ривожланиш натижасида янги ғоя, қарашлар концептуал унсурга айланмоқда.

4) проектив тафаккур тарзининг конструктив трансформацияси, концептуал моҳияти, унинг ижтимоий зарурияти, ёш олим ва мутахассислар фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичига мос тадқиқотчилик қобилиятларини ривожлантириш кўникмасига эга бўлмоқда.

ХУЛОСА

“Когнитив конструктивизм тафаккур тарзи креативлигининг интеллектуал асоси сифатида” мавзусининг фалсафий-методологик ва эпистемологик рефлексив таҳлили, уларни илм-фан ва таълимнинг замонавий муаммолари контекстида тушуниш қўйидаги хулосалар ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон беради:

1. Илмий тафаккур тарзига когнитив ёндашув илмий тафаккур тарзининг моҳияти ва конструктив томонларини яхлит ва холистик тасвирлаш имкониятини беради. Когнитивлик, унинг ижтимоий ва психологик жиҳатлари, когнитив фаолиятини оширишнинг амалий таклифлари инсон билиш қобилиятини кучайтиришга ёрдам берадиган интеллектуал жараён дир.

2. Илмий тафаккур тарзининг конструктивлиги ва ўзгарувчан хоссалари ҳамда қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарур бўлган назарий ғоялар, ёндашувлар ишлаб чиқиш ижтимоий ҳаётда илмий тафаккурнинг конструктив трансформациясига объектив ва субъектив, ички ва ташқи кучлар, турли омиллар таъсир кўрсатади.

3. Тафаккур тарзининг когнитив конструктивлиги фан методологиясига таъсир қиладиган, қилинган кашфиётларга метаназарий маъно ва умумлашма берадиган, истиқболни кўрсатадиган, трансформацион феномен, жараён сифатида амал қиладиган интеллектуал маънавий-руҳий ҳосила дир.

4. Назарий билимлар тизими ва фан тараққиётида когнитив конструкция илмий билиш ва илмий тафаккур тарзининг коэволюциясини юзага келтиради, уларнинг синтези ва когерентлик вазифасини бажаради.

5. Фан ва фалсафа тарихида содир бўлган кашфиёт ва ихтироларнинг асосий когнитив замини креативлик ва конструктив фаолиятдан иборат экан. Буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий ва ижодий изланишларини ўрганиш буни исботлайди.

6. Инновацион ва креатив тафаккурнинг қиёсий таҳлили, ижодиётнинг рационал ҳамда нораціонал жиҳатларини эпистемологик анализ фан ва таълимда сермахсул ижод қилиш, илмий ва интеллектуал салоҳиятни оширишнинг конструктив омили эканлигидан далолат беради.

7. Фан ва таълимда конструктив креативликни кучайтириш ҳозирги даврда Янги Ўзбекистонда Янги Ренессанс жараёнини интеллектуал механизми сифатида креатив фикрловчи олимлар, конструктив фаолият олиб боровчи педагогларни етиштириш билан боғлиқ дир.

8. Ҳозирги замон постноклассик илмий тафаккур тарзининг конструктивных-эвристик жиҳатларини тадқиқ этишда, методологик плюрализм, билим полиморфизми ва пролиферацияси, антроп тамойили, фандаги “инсон ўлчови” ғояси, креатив ёндашув каби инновацион трансформацияларни таъкидлаш мумкин. Ҳозирги замон илмий тафаккур тарзининг когнитив параметрлари қуйидаги конструкциялардан иборат: ноаниқлик, синергетик ривожланиш тамойиллари, кўп ўлчовли тафаккур, плюралистик ёндашув, универсал-холистик қарашлар шаклланаётган янги тафаккур тарзининг назарий-ғоявий ўзагини ташкил қилади.

9. Республикамиз олимлари ва мутахассисларининг ижодий тадқиқот фаолияти когнитив конструктивизм ва креатив тафаккур тарзи методологияси ҳамда эвристик фикрлаш технологияси талаблари билан қуроллантириш асосида уларнинг бунёдкорлик салоҳиятини

такомиллаштириш ва юксалтиришга қаратилган мақсадларда назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

10. Мустақиллик йилларида миллий фалсафамизда янги когнитив илмий йўналишлар ҳозирги замон илмий тафаккур тарзининг инновацион трансформациясига олиб келди. Бу эса фан, техника ва ижтимоий амалиётда инновацион, креатив, проектив илмий тафаккур тарзининг шакллантиришида муҳим методологик аҳамият касб этди.

11. Ҳозирги замон инновацион тафаккур тарзини шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий когнитив омиллари таълим, фан ва техника ресурсларидан самарали фойдаланишдан иборатдир. Шаклланаётган эркин ва ҳуқуқий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамияти барпо этишда ёшлар онгида инновацион трансформация муҳим конструктив вазифани бажаради.

12. Илм-фан, технология ва таълимда проектив тафаккур тарзи жамиятнинг турли соҳаларида когнитив инновация сифатида намоён бўлиб, кишиларда технологик тафаккурни ривожлантириш орқали постиндустриал жамият босқичига жамият босқичига ўтишни тезлаштиради.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги амалий тавсиялар берилади:

биринчидан, олий таълим муассасаларида фалсафа, психология, педагогика, социология йўналишларида бакалаврият ва магистратура босқичларида талабалар билиш қобилиятларини кучайтириш мақсадида “Когнитивлик фалсафаси” ҳамда “Когнитив конструктивлик асослари” махсус курсини жорий этиш мақсадга мувофиқдир;

иккинчидан, талаба ёшлар, магистрантлар, илмий изланувчилар ва тадқиқотчиларда креатив фикрлашни шакллантиришга қаратилган махсус услубий қўлланмалар, мутахассислик фанлар бўйича “ақлий ҳужум” сценарийларини ишлаб чиқиш;

учинчидан, ёш мутахассис ва олимларнинг ихтирочилик, кашфиётчилик қобилиятларини ривожлантириш мақсадида мунтазам равишда замонавий онлайн форматида мастер-класслар ташкил этилиши керак;

тўртинчидан, талаба ёшлар, магистрантлар ва илмий изланувчилар учун конструктив креативлик кўникмаларини ривожлантириш учун таниқли олим ва мутахассислар иштирокида амалий-услубий семинарлар, учрашувлар ташкил қилиш;

бешинчидан, ёш олим ва мутахассисларда бунёдкор, яратувчанлик интеллектини шакллантиришга қаратилган креатив психологик тренинглар ўтказиш, IQ креатив синов-тестларини ташкил қилиш;

олтинчидан, олий таълим муассасаларида талаба ва магистрантларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини ўстириш мақсадида мутахассислик фанлари бўйича янги инновацион ўқув кредит модулларини яратиш;

еттинчидан, талаба ёшлар, магистрантлар, илмий изланувчилар учун уларда креативлик фикрлашни юксалтиришга қаратилган эвристик методлар яратиш, проектив лойиҳалаш ўқувини шакллантириш мақсадида янги

форматда ташкил қилинган (масалан, ReshaKucha форматда) бевосита ва онлайн анжуманлар, учрашувлар ўтказиш;

саккизинчидан, йилига бир ёки икки марта Республика миқёсида ёшлар, олимлар ва бошқа қизиқувчилар ўртасида конкурс ўтказиш. Вилоятлар телерадиокомпаниясида “Бизнинг фахрийлармиз” рубрикасида ёш мутахас-сис ва олимларимиз ихтиро қилган, кашф этган, танловларда ғолиб бўлган янги технологик инновацияларни тарғибот қилувчи канални ташкил қилиш.

**РАЗОВЫЙ УЧЕНЫЙ СОВЕТ НА БАЗЕ УЧЕНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СУЛТАНОВА ГУЛНОЗА САБИРОВА

**КОГНИТИВНЫЙ КОНСТРУКТИВИЗМ КАК ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНАЯ
ОСНОВА КРЕАТИВНОСТИ СТИЛЯ МЫШЛЕНИЯ**

09.00.01 – Онтология, гносеология и логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.4.DSc/Fa172.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) вложен на веб-странице Научного Совета (www.samdu.uz), а также в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Кушаков Шухрат Салиевич доктор философских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гаффарова Гульчехра Гуламжановна доктор философских наук, доцент Шермухамедова Нигинахон Арслоновна доктор философских наук, профессор Каримов Бахтиёр Рахманович доктор философских наук, профессор
Ведущая организация:	Ташкентский государственный университет транспорта

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2021 года, в _____ часов на основе Разового Научного совета заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, проспект Университетская, 15. Тел: (8366) 235-19-38, 239-64-90; факс: (8366) 231-15-86,(8366) 235-27-24; e-mail: rektor@samdu.uz. Здание факультет истории при Самаркандский государственный университет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (0366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.
(Протокол реестра №___ от «___» _____ 2021 года).

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос.н., доцент

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук (DSc), доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Происходящие в мире процессы глобализации, оказывают как конструктивное, так и негативное воздействие на все сферы общества, включая стиль мышления людей, приводящие к изменению когнитивных, творческих, духовных аспектов развития науки и культуры. Научно-технологические и когнитивные изменения, суть которых революционна, в свою очередь, влияют на творческие качества человеческого капитала. Важным когнитивным следствием этого процесса является формирование креативного стиля мышления, соответствующего уровню постнеклассической науки и технологии. Креативность и инновации становятся главной движущей силой экономики и производства, а также философии, науки и современных технологий. Изменение в когнитивности ведет к трансформации стиля научного мышления. По этой причине современный стиль конструктивистского мышления поднимается на мировую позицию благодаря развитию науки.

В мире начавшийся в последней четверти XX века феномен всеобщей глобализации порождает, с сфере науки, также такие актуальные вопросы как проблема когнитивности, креативных и конструктивных возможностей стиля научной мышления, изучение мировой науки, научно-концептуальных трансформаций в областях ИТ, происходящих в ней, изучение парадигмальных и эпистемологических обновлений в них исследование остается чрезвычайно актуальным. Пролиферативное, герменевтическое и интерпретационное изучение конструктивных аспектов когнитивного генезиса и развития научного мышления составляют основную методологическую задачу в данной исследовательской работы. Проявление креативного стиля мышления в интеллектуальной деятельности, а также критико-рефлексивное, теоретическое исследование социокультурных и философско-методологических проблем конструктивизма, когнитивизма позволяет по новому рассмотреть проблему когнитивной конструктивности в новые подходы в мировую науку.

В условиях обновленного Узбекистана механизм развитой цифровой экономики, создание социальных и дистанционных электронных учреждений и устройств, подготовка молодых креативных (творчески мыслящих) ученых, создающих современные научные направления и технологии, вооружение их научно-методическими идеями, проектами и рекомендациями, отвечающими современным требованиям, имеют большое значение на государственном уровне. "...стратегия инновационного развития нашей страны тесно связана, прежде всего, с тем, насколько эффективно использовать научно-технический потенциал, созданный в этом государстве"²⁵. Это, в свою очередь, требует формирования и развития нестандартного и конструктивного стиля мышления при осуществлении масштабных социально-экономических реформ.

²⁵ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston", 2021. – Б. 237.

Диссертация в определенной степени служит во исполнение задач, отмеченных в таких нормативно-правовых актах, как Указы Президента Республики Узбекистан 18 июля 2017 года, УП-3138 «О повышении эффективности государственной политики в отношении молодежи и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», УП-3160 от 28 июля 2017 года «О праве повысить эффективность духовно-просветительской работы и поднять развитие сферы на новый уровень», УП «Об утверждении концепции развития науки до 2030 года» от 29 октября 2020 года, УП-3721 от 12 мая 2018 года «Об организации конкурсов по чтению книг среди молодежи с целью широкого изучения и популяризации творческого наследия великих ученых, писателей и деятелей культуры».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации²⁶: Хотя вопрос об изучении философских, эпистемологических и эвристических аспектов проблем когнитивизма, конструктивизма, креативности в стиле научного мышления вошел в круг проблем философии и методологии науки с последней четверти XX века, некоторые аспекты этих проблем первоначально были обнаружены в исследованиях древнегреческих философов Сократа, Платона и Аристотеля. В Средние века вопросы креативности и творчества давались в интерпретации религиозного мировоззрения и схоластической философии в трудах Августина, Аквината, Расселина, Оккама. Методологически изучение конструктивных аспектов мышления принадлежит И.Канту.²⁷ Гегель сосредоточил внимание на проблеме креативного мышления в своих диалектических взглядах на абсолютную идею²⁸. Исследования по этой теме проводятся учеными из ведущих мировых научных центров и высших учебных заведений, в том числе Harvard University, Communication Between Humans & Interactive Media (CHIME) Lab at Stanford University, Sam Houston State University (США), Oxford University's Institute for the Future of the Mind, (Великобритания), Института философии РАН, Московский Методологический Кружок (ММК) (Россия), кроме того, ученые из Национального университета Узбекистана, Центра изучения общественного мнения «Социальная мысль» и Самаркандского государственного университета (Узбекистан) проводятся

²⁶ Интерпретация зарубежных исследований по теме диссертации; <https://www.simplypsychology.org>, <https://mediax.stanford.edu/>, <https://www.harvard.edu/>, <https://sc.edu/>, <https://www.shsu.edu/>, <https://ion.ranepa.ru/>, <https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/futuremind/>, <https://www.fondgp.ru/mmk/> и подготовлено на основе других источников.

²⁷ Кант И. Критика способности суждения. М.: Исследования 1994. – С. 365.

²⁸ Гегель Г. В. Ф. Система наук. СПб.: Наука, 2015. –С. 443.

фундаментальное исследование проблем конструктивности когнитивного мышления.

В ходе исследования был получен результат, согласно которому когнитивный конструктивизм является интеллектуальной основой стиля мышления. Значительная часть философов сегодня ссылаются на конструктивную когнитивистику, которая основывается на психологии и когнитологии исследователи активно участвующие в обсуждении интеллектуальных проблем развития философии (Oxford University Press); выделили несколько направлений: радикальный конструктивизм, когнитивный конструктивизм, социокультурная теория, а также связи и противоречия между критическими теориями (University of South Carolina - Columbia); анализируется широкий спектр социально-культурной и социальной деятельности, разработаны особый подход к системному мышлению (философско - методологическая и интеллектуально-практическая школа Г.П.Щедровицкого (ММК)); раскрывается влияние конструктивизма, особенно конструктивного реализма.

Во многих научных центрах проводятся исследования, посвященные когнитивным, конструктивным и эвристическим особенностям креативного мышления, анализу его творческих возможностей, философским аспектам вопросов отношения к научным традициям, в том числе по следующим приоритетным направлениям: поощрять разработку разнообразных методологических подходов и специальных методик, с целью развития креативного мышления, творческих способностей в когнитивной сфере (креативное воображение, критическое мышление и т.д.), которые составляют основу творчества как эффективных методов развития; повысить эффективность выполнения задач за счет развития интеллектуального потенциала человека; основная цель исследования - выявить фундаментальные характеристики когнитивного конструктивизма в современном стиле научного мышления.

Степень изученности проблемы. Когнитивность - это сложная самоорганизующаяся ментальная система, объединяющая в своем составе эпистемологические конструкты, такие как стиль мышления, процесс познания, конструктивность, креативность, дизайн. Следовательно, формирование стиля мышления также является конструктивным когнитивным процессом. Любая новая и инновационная идея, замысел носят конструктивный характер, что приводит к формированию нового стиля мышления. Поэтому важно научно-практическое изучение понятий стиля мышления, процесса познания, конструктивизма, креативизма и в настоящее время некоторые аспекты теоретических проблем, связанных с этими вопросами, изучаются многими специалистами, учеными данной области. Ещё 60-е годы XX века когнитология начала развиваться как философско-психологическое направление. В частности, это касается когнитивных аспектов генезиса и развития мышления, были привлечены исследователи, такие как У.Найссер, Р.Шеппард, Дж.Пиаже. Философские, психологические, социологические исследования конструктивизма получили освещение в

